
ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

Тошлоқ тумани ҳокимлигининг катта мажлислар залида Халқ депутатлари туман Кенгашининг йигирма тўртинчи сессияси бўлиб ўтмоқда. Бугунги сессия ишида Тошлоқ туман ҳокимининг туман Кенгаши олдида 2020 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари бўйича ҳисоботи, шунингдек келгуси йилги режаларига бағишланган “Аҳолига мурожаати” ўқиб эшиттирилиши режалаштирилган. Бугунги сессия ишига туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман сектор раҳбарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилган. Шунингдек, сессия ишида Фарғона вилояти ҳокимлиги вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Сессия иши бўйича батафсил маълумотни каналимиз орқали кузатиб боришингиз мумкин.

2020-12-10 18:59:09